29 (359)
2003 йил 23 июл
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 204-кун

2
- Юртимизнинг соғлом фарзандлари соғлом оилаларда дунёга келади

3
- Йўрмадўзликлар "ая"си
- Сиёбда маҳаллалар бирлаштирилди, номлари эса унитиладими?

4
- Совчи келса дарвозангиз очиқми?
- Бир оила фожеаси...

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 июл куни Оқсаройда Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.



Ўтган йилнинг декабрида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида «Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзоланган эди. Ушбу келишув доирасида жорий йилнинг май ойидан Ўзбекистон табиий газининг экспорти бошланди. Шартномавий мажбуриятларга кўра, 12 ой давомида газ экспорти ҳажми 5 миллиард куб метрга етиши керак.

- Ушбу ҳужжат «Газпром» билан янгича муносабатларимизга тамал тошини қўйди, - деди Ислом Каримов учрашувда.

Дарҳақиқат, ҳамкорлик тўла старегик шериклик тамойилларига асосланган. Маълумотларга кўра, 2005 йилга бориб, Ўзбекистон газининг экспорти 10 миллиард куб метрга етказилади. Бу кўрсаткичга эришиш учун «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасида компрессорларни тўла таъмирлаш, газ транспорти тизимини такомиллаштириш учун моддий-техникавий ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш борасида келишувга эришилган.

Айни пайтда «Газпром» билан ҳамкорликда Шоҳпахта конини тўла ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Унда 11,9 миллиард куб метр газ борлиги аниқланган. У ерда қўшимча босим берадиган компрессор станциясини барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Томонлар уни ҳаётга имкон қадар тезроқ жорий қилиш борасида ишламоқда.

«Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» Устюрт минтақасидаги конларни ўзлаштириш борасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда «Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги конларда геология-разведка ишларини ўтказиш ва уларни ўзлаштиришда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома» тайёрланган. Бу ишга «Газпром» замонавий технологиялар ва сармоя билан ҳисса қўшиш ниятида.

Бундан ташқари, нефт ва газ қазиб олиш, ташиш, компрессор станцияларини ишлатиш, бурғилаш билан шуғулланувчи мутахассисларни қайта тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг сентябридан келаси йилнинг июлигача «Газпром» ўқув марказларида 900 нафар ўзбекистонлик мутахассис малака ошириши мўлжалланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама қилинди, икки томонлама фойдали янги лойиҳалар ишлаб чиқиш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎзА)

***

СУРАТДА: қабул пайти.
А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Икки авлод учрашуви

ТОШКЕНТ вилояти. /ЎзА мухбири Лутфулло Сувонов/. Қибрай туманида Обод маҳалла йилига бағишланган икки авлод учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамда Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда таниқли фан, маданият, саънат арбоблари, ёшлар иштирок этди.

- Бугун кекса авлод эл ардоғида яшамоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан таниқли адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов. - Хусусан, ўтган йилнинг Юртбошимиз томонидан Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилингани, хукуматимизнинг кексаларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатаётгани бунинг ёрқин намунасидир.

Сўнгги йилларда халқимиз эришган улкан ютуқларда кексаларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги ва ёшларимиз ҳам бу борада юртимиз ишончини оқлаётгани бизни жуда қувонтиради.

Мамлакатимизда ёшлар тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди, деб таъкидланди учрашувда. Истеъдодли ёшларга ўз иқтидорини тўла рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти таъсис этилгани, хорижий давлатларда таҳсил олиш учун турли грантларнинг ажратилаётгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

● Янгича удум

Бухоро вилояти

Дала шийпонига 600 нафарга яқин одам тўпланган. Узум ишкомлари тагида тузалган жой тўрида беш нафар 80 ёшли отахону-онахон кўр тўкиб ўтиришибди. Биринчи мучал ёшларини нишонлаётган 14 нафар ўғил-қиз рақсга тушмоқда. Кўзларида нур, чеҳраларида табассум.

"ҚИШЛОҚ ТЎЙИ"

унда инсон қадр-қиммати улуғланади

Ҳомийлар томонидан ҳадя этилган янги саруполар қуёшда товланади. Уларга қараб хаёлга толаман. Илгари бундай маросимлар йўқ эди. Мустақиллигимиздан кейингина ҳамма нарса - хусусан, тўйлар ҳам, маъракалар ҳам тартибга солина бошлади. Давлатимиз раҳбарининг аҳолининг кам таъминланган қатламини кучли иҳтимоий ҳимояга олиш тўғрисидаги ғамхўрликларини унутиб бўладими, ахир. Бунинг самараси ўлароқ, маҳаллалар қайтадан тикланмоқда, ободончилик сари юз тутмоқда. Унда умргузаронлик қилаётган фуқаролар жипслиги, улар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари тобора мустаҳкамланаётир. Бу айниқса, маҳалладош тадбиркору ишбилармонларнинг саховатпешалиги-ю, мурувватлилигида номоён бўлмоқда.

Жондор туманидаги Ромиш қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Варахшо" ширкат хўжалиги дала шийпонида бугун бўлаётган тадбир ҳам ана шундай эзгулик меваси эди. Дарвоқе, "Қишлоқ тўйи" деб аталган бундай маросимлар тобора Бухорои шарифга хос бўлиб бормоқда . Чунки вилоят ҳокимининг буюк аллома А. Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги ва Мустақиллигимиз 12 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган фармойиши бунга асос бўлди.

Давра ўртасида энди Зайниддин Каримов раҳбарлигидаги туман маданият бўлими "Дилдор" ансамбли созанда-ю хонанда, раққосалари ўз маҳоратларини кўрсатаётганди. Концерт оралиғида ҳомийлар отахону онахонлар, болакайларга аталган қимматбаҳо совғаларини тортиқ қилишди. Қарсаклар остида бундай шарафли ишни тадбиркорлардан Аҳмад Ҳусенов, Иқром Барноев, Латиф Каримов, фермерлардан Бахшулло Нарзиев, Анвар Ҳожиев ва бошқалар бажонидил амалга оширишди.

Қутлуғ тадбирга астойдил бошқош бўлаётган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайрулло Раҳматовнинг таъкидлашича, тўйнинг ўтиши бир кун, бироқ унга тайёргарлик бир неча ой давом этди. Тўй баҳона маҳаллалар, кўча-кўйлар, хонадонлар тартибга келтирилди, уларга оройиш берилди, битмай ётган юмушлар поёнига етказилди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 2 та маскандан бири - Оқтепа маҳалласи раҳбари Роҳила Ҳамроеванингг бу тўғридаги фикрлари эшитишга ва ўйлаб кўриб мулоҳаза қилишга арзирлидир:

- Аслида тўйга тараддуд жорий йилнинг февралида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказини очишдан бошланди, - дейди у. - Марказ ташкил қилинган кундан эътиборан енг шимариб ишга киришди. Дастлабки эзгу ният - ишсизлар сонини камайтириш, уй беркаларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдан иборат эди. Шу мақсадда зардўзлик, пазандалик, сартарошлик, тикувчилик цехлари фаолият кўрсата бошлади. Уларда 60 нафар кишининг касб-ҳунар ўрганиб, ишли бўлиш имкони яратилди. Демак, бу - ҳар бир ишлаб чиқариш цехида 15 нафар ёш меҳнат қиляпти, демакдир.

Ҳа, кўпчиликдан қуён қочиб қутилмас деганларидек, ободончилик ишларида етмиш ёшдан етти ёшгача қишлоқнинг барча аҳли иштирок этди. Ҳудуддаги ширкат хўжалиги ҳатто Бухоро шаҳар асфалт заводи маъмурияти ҳам техникадан ёрдам беришди. Амалга оширилган ишлар салмоғини тасаввур этиш учун биргина далил келтирмоқчимиз. Қишлоқ стадионини барпо этиш мақсадида 180 машина қум ташиб келтирилди. Ҳар ким қўлидан келганини аямади: баъзилар кетмон билан, айримлар шахсий машинаси, бошқалар эса баҳоли қудрат маблағ билан кўмак бериб, савобдан бебаҳра қолишмади. Пировард натижада стадион шаҳарникидан қолишмайдиган, барча талабларга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди.

"Қишлоқ тўйи" нинг кун тартибидан яна бир муҳим тадбир - болалар спортини ривожлантиришга хизмат қиладиган миллий кураш бўйича мусобақалар ўрин олганини ҳам таъкидлаш жоиз. Беллашувлар узоқ йиллар"Варахшо" ширкат хўжалигида самарали фаолият кўрсатган Шариф Каримов, Усмон Барноев ва Ислом Барноевлар хотирасига бағишланган эди.

Абдунаби МАННОПОВ, "Mahalla" мухбири.

● Қудратимиз дўстликда

"БИЗНИНГ ВАТАНИМИЗ - ЎЗБЕКИСТОН"

-дейишади бир овоздан Ватан маҳалласида яшовчи 42 миллатга мансуб аҳоли

Мамлакатимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойлигимиздир. Бу неъматга биз ўзбек халқининг деярли уч минг йиллик давлатчилиги тарихидаги биринчи Президентимиз И.Каримовнинг доно ва изчил сиёсати орқали муяссар бўлдик.

Яқинда Обод маҳалла йили ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб, Ватан маҳалласида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар кенгаши, Республика Байналминал маданият маркази, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Акмал Икромов тумани бўлинмаси ҳамкорлигида «Қудратимиз - дўстликда» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

- Шуни айтиш керакки, - дейди Ватан маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Озод Ризаев, - 1992 йил ноябрида маҳаллани ташкил этиш чоғида уни қандай ном билан аташ масаласи кўрилган дастлабки йиғилишда турли миллат ва элат вакиллари сўзга чиқиб «Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон бўлиб қолди. Шу сабабли маҳаллага ҳам Ватан номи берилсин» дея таклиф билан чиқишганди.

- Миллатлар - халқлар дўстлиги, уларнинг бирлиги - юртимиз бойлигидир, - дейди Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг раиси, академик Неъматилла Ибрагимов. - Зеро, миллатлар дўст, иноқ бўлган жойда тинчлик ҳукм суради. Ҳаммамизнинг уйимизда хотиржамлик, юртимизда эса миллатлараро тотувлик ривожланаверади.

Анжуманда сўзга чиққан Республика байналминал маданият маркази раҳбар ўринбосари М.Нурматова, Ўзбекистондаги рус маданият маркази раиси С.Герасимова, «Маҳалла» жамғарма Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Акрамовлар юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг қудрати ҳақида сўзладилар.

Шунингдек, кечада грециялик журналист, таржимон, олим Янгос Димитриос ҳам қатнашиб ўзбек адиби F.Ғуломнинг «Шум бола» асарининг грек тилида нашр қилинган китобини Ватан маҳалласига тақдим этди. Муаллифнинг қўли билан ёзилган афтографда қуйидаги сўзлар бор эди: «Шум бола» китобининг таржимаси, бу - Ўзбекистонда яшаб, ушбу диёрни иккинчи Ватан деб билган барча грек халқининг бутун ўзбек халқига миннатдорчилигининг кичик бир белгисидир. Греклар-ўзбеклар дўстлиги боқийдир. Ҳаммаси учун сизларга раҳмат».

А.НАБИЕВ.

204-кун

Тошкентда ЖАР спорт соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг бир қатор вазирликлар, ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган "Соғлом оила" оилавий спорт мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

СОҒЛОМ ОИЛА - ИСТИҚБОЛ КАФОЛАТИ

Хайрли ташаббус

Инсон бахтли турмуш кечириши учун зарур омиллардан бири саломатлик экани барчага яхши аён. Соғ-саломат бўлиш ниятида спорт билан мунтазам шуғулланиш лозимлигини кўпчилигимиз тушунамиз, албатта. Аммо гоҳ у, гоҳ бу сабабларни рўкач қилиб жисмоний машғулотларга вақт топа олмаслигимиз ҳам, афсуски, бугунги турмуш тарзимизнинг белгиларидан бирига айланиб қолган. Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг оммавий спортни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратаётганлари халқимиз томонидан чуқур мамнуният билан кутиб олинмоқда. "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" фаолиятини ташкил этиш хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш чоғида мамлакатимиз Президенти аҳоли турар жойларида оилавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаганлари баробарида мамлакатимиз оилалари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказишни таклиф қилганлари айни муддао бўлди.

Хайрли ташаббус қанот ёйиб, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида аввалига маҳаллаларда, сўнгра туман ва шаҳарлар, кейин эса вилоятларда "Соғлом оила" спорт мусобақалари ўтказди. Дастлабки босқичларда ғолиб чиққан оилалар курашни давом эттиришди ва нихоят якунловчи босқич иштирокчисига айланишди. Ўтган якшанба куни пойтахтимиздаги "Жар" соғломлаштириш спорт мажмуида ана шу мусобақаларнинг республика финали бўлиб ўтди.





2-саҳифада

Обуна-2003

Mahalla

-Яна нима дейди?
-Иккинчи ярим йилликка обуна бошланибди, дейди!
-Биз йиллик обуна бўлганмиз, деб айт!

Суратда: Ватан маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи:148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

СОҒЛОМ ОИЛА – ИСТИҚБОЛ КАФОЛАТИ

(Боши 1-бетда)

Ўйин турлари қандай танланди?

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Гадойбоев ғолибларни тақдирламоқда.

Янгилик қарор топиши, кўпчиликка манзур келиши ўз-ўзидан бўладиган иш эмаслиги табиий. Оилавий жамоаларнинг спорт мусобақаларини ташкил этиш учун бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш зарур эди.

— Аввало, ушбу баҳсларда кимлар иштирок этиши мумкинлигига эътибор қаратилди, —дейди Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси, мусобақаларни ўтказиш бўйича ташкилот қўмита раиси Аъзамжон Гадойбоев. — Ахир, оиламиз турли минтақа ва худудларда турлича шаклланган барчага аён. Кимнингдир оиласида фақат ўғил болалар, кимникида эса барча фарзандлар қизлардан иборат. Баъзиларнинг болалари ўз фарзандларига эга бўлиб улгуришса-да, ота-оналари билан бир хонадонда турмуш кечиришда давом этишмоқда. Демак, улар ҳам амалда бир оила деб аталишга ҳақли. Фарзандлардан нечтаси мусобақада иштирок этиши ўринли, ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, жамоа неча кишидан таркиб топиши лозим? Оиланинг катталари, яъни отаона баҳсда албатта бевосита қатнашиши шартми, ёки улардан биригина майдонга тушиб, бошқаси жамоа аъзоларини руҳан қўллаб-қувватлаб турса ҳам бўлаверадими? Профессионал спортчиларнинг оилалари мусобақаларда бошқалар билан бир қаторда иштирок этиши мумкинми? Биз пайдо бўлган саволларнинг кичик бир қисминигина келтириб ўтдик, холос. Мусобақа Низомини ишлаб чиқишда шу каби кўплаб саволларга жавоб бериб ўтилди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда спорт турлари билан шуғулланиш учун имкониятлар ҳозирча бир-биридан фарқ қилади. Шундай шароитда рақибларни тенг аҳволда бўлишига эришиш мақсадида мусобақа турларини танлаб олишда жуда кўп ўйланиш, баҳслашишга тўғри келди. Охир-оқибат барча командалар учун мақбул турлар танлаб олинди. Жумладан, тўсиқлар оша эстафета, баскетбол, футбол, ўйинлари элементларини ўз ичига олган танловлар, аркон тортиш, мерганликни намойиш қилиш ва якуний "Ким чаққон" эстафеталарида иштирок этиш учун иштирокчилар алоҳида махсус тайёргарликка эга бўлишлари талаб қилинмаслиги кўпчиликка маъқул тушди.

Шу билан бирга жамоа аъзоларининг уюшқоқлиги, аҳиллиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва умумий ғалабага муносиб ҳисса қўшишга интилиши учун шарт-шароит яратиб берилди. Умумий жисмоний тайёргарликка эга бўлган ҳар қандай оилавий жамоа мусобақа иштирокчиларига таклиф этилган дастурни бемалол бажара олади. Низомга биноан ҳар бир турда ғалаба қозонган жамоага 5 очко, иккинчи ўрин сохибига 3 очко берилиши белгилаб қўйилган эди.

Эр-хотинга катта куч... Наманганлик Руслан Назаров ва Маъсуда Абдукаримовалар.

Даъвогарлар

Якунловчи босқичда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиққан оилавий жамоалар иштирок этиши кўзда тутилган эди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бўлим бошлиғи Жасур Акрамов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларнинг ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб чиқди ва пойтахтга ташриф буюрган жамоаларнинг таркибини тасдиқлади. Афсуски, Фарғона вилоятидаги мусобақалар ғолиби Охунбобоев туманидаги Халқобод маҳалласида истиқомат қилувчи Орзубоевлар оиласи республика босқичида майдонга тушмади. Кейинчалик билишимизча, уларнинг пойтахтга келиб-кетиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш вилоятдаги мутасаддиларнинг қўлидан келмабди. Бу хусусда кейинроқ яна тўхталиб ўтамиз. Ҳозир эса эътиборингизни қуръа ташлаш маросими натижаларига тортсак.

Финал мусобақаларининг дастлабки босқичида жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашадиган бўлишди. Биринчи гуруҳдан Бухоро вилояти Вобкент туманидан Дониёр Шукуров бошлиқ, Наманган шаҳар Давлатобод туманидан Руслан Назаров бошлиқ ҳамда Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидан Комилжон Ёмғиров бошлиқ оила вакиллари жой олишди. Иккинчи гуруҳда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидан Азаматжон Юсуфжонов бошлиқ, Самарқанд вилояти Оқдарё туманидан Абдукарим Жўраев бошлиқ, Сирдарё вилояти Музрабод туманидан Нуриддин Сувонов бошлиқ ҳамда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидан Одил Ҳасанов бошлиқ оила вакиллари куч синашадиган бўлди. Учинчи гуруҳ таркиби кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотди. Чунки тақдир тақозоси билан ушбу босқичда Пойтахт шаҳри ва Тошкент вилояти вакиллари Қорақалпоғистондан ташриф буюрган рақиблар билан баҳс олиб борадиган бўлишди. Тошкент шаҳри шарафини Сергели туманида истиқомат қилувчи Абдулаҳат Аҳмадалиев бошлиқ оила, Тошкент вилояти нуфузини Юқори Чирчиқ туманилик Жалолиддин Нодиров бошлиқ оила, Қорақалпоғистон спортчи оилалари шарафини эса Пристан посёлкасида яшовчи Айберген Султанов бошлиқ оила ҳимоя қилишди. Сўнгги тўртинчи гуруҳдан эса Жиззах вилояти Зарбдор туманидан Исматулла Бўриев бошлиқ оила, Навоий вилояти Навоий шаҳридан Муҳиддин Зарипов бошлиқ оила ва Хоразм вилояти Урганч шаҳридан Ғанижон Бозорбоев бошлиқ оила аъзолари жой олишди.

Ҳеч ким енгилишни истамасди

"Жар" мажмуи майдонида саф тортган "Соғлом оила" оилавий спорт мусобақаси якунловчи босқичи иштирокчиларини Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Алишер Миркосимов, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Очилов қизғин қутлаб, уларнинг барчасига омад ёр бўлишини тилашди.

Биринчи гуруҳда то охирги тур якунлангунга қадар барча жамоалар финалга чиқишдан умидвор эдилар. Аммо мураккаб эстафетада ғалаба қозонган қашқадарёликлар 25 очко тўплаб пешқадамликни ҳеч кимга бермасликларини исботлашди. Гуруҳ баҳслари давомида наманганлик Маъсуда Абдукаримова майдонда рақиблар билан беллашишдан ташқари оиланинг кенжа фарзанди ўтган йили туғилган жажжи Хурсанойни овутишга ҳам улгурганлиги кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди.

Иккинчи гуруҳда эса ўтказилган етти тур ҳам яккаю ягона ғолиб номини аниқлаш учун камлик қилди. Андижон ва Сурхондарё вакиллари умумякунда бир хил натижа кўрсатишди. Мусобақа Низомига биноан, алоҳида турларнинг кўпроғида зафар қучган андижонликлар финал иштирокчисига айланишди. Мусобақалар илк маротаба ўтказилаётгани туфайли иштирокчилар ўзига хос тактикани баҳслар давомида такомиллаштираётгани эътиборга лойиқ бўлди. Жумладан, аркон тортиш бўйича дастлабки баҳсда мағлубиятга учраганинг асосий сабабини пойафзалнинг паркетда сийғанишида деб билган қўрғонтепаликлар иккинчи жамоага қарши чиқиш арафасида пойафзалларини ечиб қўйишди. Кейинчалик ҳакамлар бундай қилиш мумкин эмаслигини таъкидлашларига тўғри келди.

Биринчи ўрин соҳиби Қашқадарё вилояти Муборак туманидан Комилжон Ёмғиров бошчилигидаги оила

"Овчилар баҳси" деб аталган турда бир жамоа аъзолари рақиб жамоанинг майдон ўртасидан жой олган вакилларини волейбол тўпи билан уриб чиқаришлари талаб қилинарди. Ишқибозлар сурхондарёликларнинг кенжаси Бахтиёр Ҳасанов тўрт рақиб томонидан ўзига томон отилган тўпларни писанд қилмаган ҳолда анча вақтгача зарбаларга чап беришини олқишлар билан қарши олишди.

Ушбу гуруҳда қатнашган сирдарёликлар рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишга қодир эмасликлари дастлабки турларданоқ аён бўлиб қолди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси А.Миркосимов мусобақа совриндорларидан бирига велосипедни топширмоқда.

Учинчи гуруҳда пойтахт вакиллари қорақалпоғистонликлар билан галма-галдан пешқадамликни қўлга олиб ғолиблик учун курашда фаоллик кўрсатишди. Иккала жамоа етти турдан сўнг бир хил натижага эга бўлишди. Бу сафар ҳам мусобақа низомидаги алоҳида турларда кўпроқ ғалаба қозонган жамоага омад кулиб боқди. Финалга йўлланма Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди.

Тўртинчи гуруҳда эса, навоийликлар мусобақаларни муваффақиятли бошлашдию, кейинчалик жиззахликлар уларни қувиб етиб, ортда қолдиришди.

Ким ғолиб бўлади?

Финал куннинг иккинчи ярмида ўтказилди. Совринли ўринлар қандай тақсимланиши ҳақидаги саволга жавобни андижонликлар, жиззахликлар ва қашқадарёликлар излашди, холос. Сўнгги мусобақаларда қашқадарёлик Ёмғировлар оиласи улоқни олиб кетдию, ҳеч кимни ўзига яқинлаштирмади.

Жасур Акрамов мусобақалар якунланганида 1-ўрин Қашқадарё вилояти вакилларига насиб этганини эътироф этди. Жиззахликлар иккинчи, андижонликлар учинчи ўринни эгаллашди. Пойтахтликлар тўртинчи ўринга "рози бўлишди".

Совринлар эгаларини топди

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари, умуман барча иштирокчилар учун ташкилотчилар томонидан жуда кўп соврин ва совғалар тайёрлаб қўйилган эди. Фурсатдан фойдаланиб, "Соғлом оила" республика оилавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга ҳисса қўшган ташкилотларни санаб ўтмоқчимиз. Асосий ташкилотчилар – Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бўлишди. Уларга мамлакатимизнинг Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзтелерадиокомпания, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Ватанпарвар" ташкилоти, "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, пойтахтдаги "Динамо" дўкони ва бошқалар ҳамкорлик қилишди. Айниқса, ҳомийлик борасида "Динамо" дўкони директори А.Йўлдошев сахийлиги диққатга сазовор.

Мусобақада биринчи ўринга сазовор бўлган мубораклик Комилжон Ёмғиров, унинг рафиқаси Дилором Мамадалиева, фарзандлари Ирода ва Илҳомжонларга олтин нишонлар, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Ройсон" рангли телевизори, фахрий ёрлиқлар ва бир қатор қимматбаҳо совғаларни ташкилий қўмита раиси Аъзамжон Гадойбоев топширди. Юқоридаги каби совғалар ҳамда мос равишда кумуш ва бронза нишонлари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган жиззахлик Исматулла Бўриев (рафиқаси Фотимахон, фарзандлари Шаҳло ва Илҳом) ҳамда Азаматжон Юсуфжонов (рафиқаси Розахон, фарзандлари Ойбек, Нодирбек ва Манзура) сардорлик қилган жамоаларга топширилди.

Умуман олганда, мусобақаларнинг якунловчи босқичида иштирок этган барча жамоаларга турли совринлар топширилди. Ҳеч ким мукофотсиз қолмади. Масалан, энг чаққон ўғил болалари томошабинлар олқишига сазовор бўлган Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилояти, сўнгги сониягача курашни давом эттирган қорақалпоғистонликларга бошқа совғалар билан бирга ажойиб велосипедлар ҳадя этилди. Шунингдек, энг уюшқоқ, интизомли, иқтидорли, ёш оилаларга, чаққон қизи ишқибозлар қалбини ром этган оилага, энг жонкуяр онанинг оиласига ҳомийларнинг совғалари тақдим этилди. Ғолиб ва совриндорларнинг муваффақиятига ҳисса қўшган маҳалла оқсоқоллари ва педагог-тарбиячилари ҳам ташкилотчилар эътиборидан четда қолмади.

Якунловчи босқичнинг уюшқоқ ҳолда ташкил этилишига ҳисса қўшган мезбонлар ва Жасур Акрамов раҳбарлигидаги ҳакамлар ташкилий қўмита томонидан рағбатлантирилди.

Хуллас, ўша куни бу даргоҳдан ҳеч ким хафа бўлиб кетмади.

Уйга вазифа...

"Соғлом оила" мусобақаларининг дастлабки финали ортда қолди. Насиб этса, ушбу мусобақалар анъанага айланади. Демак, келгуси ташкилотчилар ва иштирокчилар эътибор бериши лозим бўлган бир қатор омилларни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Қопда сакраш, тор шимда юришдан кўра мушкулроқ экан...

Мусобақа низомини такомиллаштирган ҳолда уни кенг жамоатчиликка етказиш зарур. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳамда маҳалла фаолларининг ўрни беқиёс. Агар шундай мусобақалар ўтказилаётганидан, уларда кимлар иштирок этиши мумкину баҳслар қайси турлар бўйича олиб борилишидан қанча кўп оила хабар топса, мусобақаларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга шунча кўп эришиш мумкин бўлади.

Мусобақада муваффақиятли қатнашиш учун оилалар спорт масканларида мунтазам шуғулланишлари талаб этилади. Бунга шарт-шароит яратиш кун тартибидан марказий ўрин эгаллаши даркор. Зеро, маҳалла шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бир-икки кун машқ қилиш эмас, йил давомида тайёргарлик кўриш лозим.

Ойнаи жаҳон ва даврий матбуотда "Соғлом оила" мусобақаларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши мунтазам равишда кенг ёритиб борилиши баробарида, оилавий спорт турлари бўйича мутахассисларнинг тавсияларига алоҳида эътибор қаратиш, ортда қолган мавсум якунларини таҳлил қилиш, ғолиб ва совриндорларнинг тайёргарлик кўриш усулларини баён қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Шунда мусобақалар дастуридан ўрин олган у ёки бу турнинг ўзига хос жиҳатлари, уларда муваффақият қозонишга кўмаклашувчи машқлар барчага яхши таниш бўлади. Бу эса, навбатдаги мусобақаларда рақобат савияси ўсишига олиб келади.

Мўлжалга қадалган нигоҳ

Навбатдаги мусобақалар иштирокчилари сонини имкон қадар кўпайтиришга ҳаракат қилиш лозим. Чунки ўшанда биз соғлом оилалар сонининг кўпайишига эриша оламиз. Муайян босқичда ғалаба қозонган оилавий жамоа эса ўз маҳалласи, тумани ва шаҳри шарафини кейинги босқичларда муносиб ҳимоя қила олади.

Якунланган мавсумга назар ташлар эканмиз, бир қатор салбий ҳолатларни ҳам эътироф этишимиз даркор. Пойтахтдан унча олис бўлмаган Фарғона вилоятидан вакиллар кела олмаганига сабаб вилоятдаги мутасаддиларнинг ушбу мусобақаларнинг ўзигагина эмас, балки оилавий спортни ривожлантиришга ҳам бефарқ муносабатда эканликларидан далолат эмасмикан? Наҳот, мамлакатимиз спортида, хусусан футболда пешқадамликни қўлдан бермасликка интилувчи, спортчиларни қўллаб-қувватлашга доимо тайёр Фарғонада биттагина оилани Тошкентга етказиб келишга қодир ҳомийлар топилмаган бўлса? Мусобақанинг ташкилий тизимини синчковлик билан таҳлил қилиш, спортчилар оиласининг келгуси босқичларга тайёргарлик кўриши ва иштироки билан шуғулланиш кимнинг зиммасида бўлишини аниқ белгилаш фарғоналиклар йўл қўйган "хато"ни бошқалар такрорламаслигига ёрдамлашади деган умиддамиз.

Якунловчи босқичда иштирок этган спортчилар нафақат ўз оилалари шарафини, балки бутун вилоят шарафини ҳимоя қилишини мутасаддилар келгусида эътиборга олишлари мақсадга мувофиқ кўринади. Ортда қолган финалда айрим жамоалар аъзолари ҳақиқий жамоа эканини уларнинг бир хил спорт кийимида майдонга тушганидан ҳам билиб олиш мумкин бўлса, айрим оилалар вакиллари ким қандай кийим топса, ўшанда мусобақалашгани бундай юксак нуфузли мусобақа шаънига унча тўғри келмаса керак. Маҳалла оқсоқоллари, жойлардаги жамғармалар раҳбарлари бундай муаммони ҳал қилиш учун имконият қидириб топадилар ва келгуси мавсумда майдонга тушадиган жамоалар ҳар томондан тугал эканига ишонч ҳосил қилишни истардик.

"Соғлом оила" спорт мусобақаларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад имкон қадар кўп оилаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, албатта. Аммо вилоят миқёсида энг кучли ва чаққон деб топилган команда рақобатбардош бўлиши ҳам табиий бир ҳол экани барчага яхши маълум. Таассуфлар бўлсинким, сирдарёликларнинг таркиби, уларнинг майдондаги хатти-ҳаракатларига қараб, бутун вилоятда мана шу оиланинг "энг спортчи" оила эканига асло ишонгимиз келмади.

"Жар" мажмуига оилавий спорт мусобақаларининг якунловчи беллашувларини кузатиш учун ташриф буюрган томошабинлар оз экани бу борада ҳам "хатолар устида иш олиб бориш" зарурлигини кўрсатади. Ваҳоланки, пойтахтимиздаги юзлаб маҳаллаларнинг оқсоқол ва педагог-тарбиячиларининг ўзлари келган тақдирда ҳам мусобақалар бутунлай ўзгача тус оларди. Иккинчи томондан, бу нарса ана шу маҳаллалар жонкуярлари учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, навбатдаги мавсумда ўз жамоаларини тайёрлашда бу тажрибадан фойдаланишлари мумкин бўларди.

Ташаббус қанот ёзади

Эрталабдан кечгача мусобақалар кўтаринки руҳда ўтди. Ҳар бир гуруҳ ва ҳар бир турда рақиблар ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш қилишга интилишди. Аммо мағлуб бўлганлар финалда бир оз аввал ўзларидан устун келганларни жонбозлик билан қўллаб-қувватлашгани, уларни олқишларга кўмишгани шу куни "Жар" мажмуида бефарқлар йўқ эканини исботлади. Одатда спорт жамоалари ҳақида сўз борганда уларнинг аҳиллигини таъкидлаш учун "бир оила каби" иборасини ишлатамиз. Бу сафар спортчилар жамоаси дарҳақиқат бир оила вакилларидан иборат бўлди. Демак, ана шу спортга ошнолик ва оилавий муҳит бирлашиши турмуш тарзимизда ижобий хислатларнинг қарор топишига кўмаклашиши амалда ўз исботини топмоқда.

Юртбошимиз ташаббуслари билан бошланган мусобақаларнинг дастлабки мавсуми олдинда порлоқ истиқбол кутиб турганига ишонтира олди. Ташаббус албатта қанот ёзади – спорт билан шуғулланувчи оилаларимиз сони, шубҳасиз, ортаверади. Демак, янги мусобақаларда учрашгунча!

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

***

Суратларни Р.Галиев ва В.Мусаевлар олган.

Мен мўлжалга тушуролмадим...

Танишинг:

"Соғлом оила" оилавий спорт мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблари

❑Қашқадарё вилояти Муборак тумани Машъал маҳалласидан Комилжон Ёмғиров, Дилором Мамадалиева, Ирода Вапоева, Илҳом Вапоев.

❑Жиззах вилояти Зарбдор тумани Зарбдор шаҳри Тинчлик маҳалласидан Исматулла Бўриев, Фотима Бойқулова, Шаҳло Рўзиева, Илҳом Рўзиев.

❑Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Қўрғонтепа шаҳри Янгиҳаёт маҳалласидан Азаматжон Юсуфжонов, Розахон Усмонахунова, Ойбек Юсуфжонов, Нодирбек Юсуфжонов, Манзура Юсуфжонова.

❑Тошкент шаҳри Сирғали тумани Оқибат маҳалласидан Абдулаҳат Аҳмадалиев, Дилором Аҳмадалиева, Шарофат Аҳмадалиева, Музаффархон Аҳмадалиев.

❑Қорақалпоғистон Республикаси Пристан посёлкаси Оқжаҳон маҳалласидан Айберган Султанов, Камила Сабурова, Маида Султонова, Нурлан Самандаров.

❑Бухоро вилояти Вобкент тумани Вобкент маҳалласидан Дониёр Шукуров, Фотима Фозилова, Абдураҳмон Шукуров, Бахтиёр Шукуров.

❑Навоий вилояти Навоий шаҳри Спутник маҳалласидан Муҳиддин Зарипов, Фарида Зарипова, Мақсуд Зарипов, Маҳмуд Зарипов, Зарнигор Зарипова.

❑Наманган вилояти Давлатобод тумани Янги тонг маҳалласидан Руслан Назаров, Маъсуда Абдукаримова, Зумрад Назарова, Ойбек Худайбердиев, Хурматой Худойбердиева.

❑Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Т.Раҳимқулов номли маҳалладан Абдукарим Жураев, Фарида Боймирзаева, Мунира Жўраева, Асрор Жўраев, Алишер Жўраев.

❑Сирдарё вилояти Музрабод тумани Оқолтин маҳалласидан Нуриддин Сувонов, Гулсанам Сувонова, Анвар Сувонов, Алишер Сувонов, Ҳасан Сувонов, Хусан Сувонов.

❑Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Норали Боймуродов маҳалласидан Одил Ҳасанов, Каромат Ҳасанова, Баходир Ҳасанов, Бахтиёр Ҳасанов.

❑Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Оқовул қишлоқ фуқаролар йиғини Наврўз маҳалласидан Жалолиддин Нодиров, Раъно Нодирова, Барно Нодирова, Жамил Нодиров.

❑Хоразм вилояти Урганч шаҳридан Ғанижон Бозорбоев, Гўзал Ражапова, Сохиймуҳаммад Курбонбоев, Нуъмонжон Курбонбоев, Насибахон Курбонбоева.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● ИЛМ-ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

РАКЕТАЛАР ЎРНИГА «КЎРИНМАС ДЕВОР»

- Биз йирик шаҳарлардаги биноларни ҳаво террорчиларидан муҳофаза қилишнинг энг осон ва арзон усулини яратдик, -дейди АҚШдаги Калифорния университети вакили Эдвард Ли.

Унинг айтишича, «кўринмас девор», деб ном олган тизим ёрдамида террорчилар диққатини жалб қилиш эҳтимоли бўлган ҳар қандай иншоотни ҳаво ҳужумидан сақлаш мумкин.

2001 йил 11 сентябридан сўнг дунёнинг кўплаб шаҳарларида террорчилардан сақланиш мақсадида биноларнинг томларига ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ўрнатилган эди. Бироқ вақт ўтгач, ракеталар ҳаддан ташқари катта сарф-харажат талаб қилиши сабабли террорчиликдан ҳимояланишнинг арзонроқ усулини яратиш зарурати туғилди.

Юқори технологиялар соҳасида фаолият юритувчи АҚШнинг Northrop Grumman компанияси яқинда барча йўловчи ташувчи самолётларга уларни ердан бошқариш имконини берувчи янги компьютер тизимини ўрнатиш таклифи билан чиқди. Компания вакилларининг айтишича, самолёт террорчилар томонидан қўлга олинса, компьютер уни автоматик равишда ерга қўндириши мумкин бўлади. Устига-устак, бундай тизим ҳозир Global Hawk деб номланган учувчисиз бошқариладиган самолётга ўрнатилган ва бенуқсон ишлаб келмоқда.

Э.Лининг фикрича, бу ғоя анча пухта бўлса-да, камчиликлардан холи эмас. Хусусан, учиш воситасини ердан туриб бошқариш учун самолёт билан ердаги авиадиспетчер ўртасида радиоалоқа бўлиши лозим. Террорчилар замонавий асбоб-ускунага эга бўлса, бу алоқага бемалол таъсир ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, террорчилар ердаги бошқарув пунктини қўлга олса, ердан туриб ҳар қандай самолётни бошқариш имконига эга бўлади.

«Кўринмас девор» тизимининг иш тартиби эса умуман бошқача.

Самолётнинг компьютер тизимига автоматик равишда парвоз йўналишидаги учиш тақиқланган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Учувчи йўналишни ўзгартиришга ҳаракат қилса, самолёт қаршилик кўрсата бошлайди. Бошқарув тизимини «бузиш»га ҳаракат қилинса, самолёт ўз-ўзидан бошқарувнинг бошқа усулларига ўтади.

«Кўринмас девор» ердаги бошқарув пунктлари билан боғлиқ бўлмагани сабабли уни ердан туриб ишдан чиқаришнинг иложи йўқ.

Айни пайтга келиб, тизим дастлабки синовдан муваффақиятли равишда ўтди. Энди уни табиий шароитда синаб кўриш лозим.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда «кўринмас девор» «Боинг» компаниясида катта қизиқиш уйғотмоқда. Самолётсозлар бу тизим террорчиликка қарши курашдаги самарали восита бўлишига умид билдириб, АҚШ мудофаа вазирлигига ушбу лойиҳани молиялаштиришни сўраб мурожаат қилган.

Бобур СОБИРОВ

● Истиқлол шарофати: ўн икки йил аввал ва бугун

Шаҳарчага қисқача тавсиф

Доғистонлик машҳур шоир Расул Ғамзатовни бир пайтлар Москвага ишга таклиф этишганда у москвалик раҳбарларга "Ер шарини игнадек деб билсак, шу игнанинг кўзидек Доғистонимдан бутун дунёни кўриб тураман" дея, жавоб берган экан. Бу албатта, киндик қони тўкилган Она-Ватанга ҳурмат тимсолидир. Каттақўрғон тумани маркази Пайшанба шаҳарчасини ҳам шундай улуғлагим келади. Ҳа, Пайшанба жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг бир бўлагидир. Бу шаҳарчанинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бунда косиблик, ҳунармандчилик, пазандалик, қандолатчилик бошқа жойларга қараганда олдинроқ шаклланган ва ривож топган. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида пайшанбалик тадбиркор ва ишбилармонларни учратишингиз мумкин.

ПАЙШАНБА ИСТИҚБОЛИ

Ўтган йиллар мобайнида туман маркази - Пайшанба шаҳарчасида жуда катта ҳажмда қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди ва бу бунёдкорлик ишлари ҳамон давом этмоқда. Айни пайтда шаҳарчада олтита маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 4157 оилада 19038 фуқаро истиқомат қилади. Пайшанба шаҳарчасида ҳам мустақиллик йилларида жуда катта ҳажмда қурилиш ва ободончилик, халқ турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

Шаҳарчанинг маркази - А.Навоий номли кўчанинг ҳар икки томонидаги эски пасткам бинолар олиб ташланиб, кўча кенгайтирилди ва бир томонлама транспорт қатнайдиган янги йўл барпо этилди. Шаҳарча марказидаги Йўлдош Охунбобоев номли майдон кенгайтирилиб, теварак-атрофларида янги гулзор ва хиёбон яратилди. Алишер Навоий ва Амир Темур номли шоҳ кўчалар кесишган жойда Алишер Навоий майдони ташкил этилиб, шеърият мулкининг султони, ҳазрат бобомизга ҳайкал ўрнатилди, теварак-атрофи ободонлаштирилди.

Пайшанба деҳқон бозори кенгайтирилиб, ҳашар йўли билан аҳолига маиший хизмат қилувчи дўконлар, ошхона, чойхона, қаҳвахона, сартарошхона, радио-телеустахона, этикдўзлик, соатсозлик ва бошқа хизмат турлари бозор ичи ва атрофидан жой олди. Биргина бозор ичи ва атрофида 27 та хусусий дўкон, 20 та ошхона, битта новвойхона, 8 та сартарошхона, 28 та гўшт дўкони, 2 та соатсозлик устахонаси, 9 та енгил автомобилларга хизмат кўрсатадиган устахона, 8 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, кийимларни тозалаш хонаси, тикувчилик цехи ишга туширилди.

Марказий шифохона бўлимларида тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилиб, беморлар учун қулай шароитлар яратилди.

Собиқ шўро ҳукумати даврида Пайшанба шаҳарчасида биргина давлат банки мавжуд бўлган бўлса, мустақиллик йилларида учта янги банк - Халқ банки, Пахта банки, Савдогар банк бинолари қурилиб, ишга туширилди. Мустақилликнинг 12 йиллиги олдидан эса яна бир банк ўз фаолиятини бошлади. Бу Пайшанба деҳқон бозори рўпарасидаги муҳташам Замин банкдир.

Шу пайтгача Пайшанба шаҳарчаси фуқаролар йиғинида олтита маҳалла бўлиб, улардан учтаси ўзларининг биноларига эга эмас эдилар. Қисқа вақт ичида А.Навоий номли, М.Пўлатов номли маҳаллалар ўзларининг кўркам биноларига эга бўлдилар. Учала маҳалла ҳам давлатдан бирор сўм маблағ олмасдан, ўз биноларини ҳашар йўли билан қуриб битказдилар.

Шаҳарча марказида "Ёшлик" болалар ва ўсмирлар ўйингоҳи ташкил этилиб, унда волейбол, қўл тўпи майдонлари, теннис корти ишга туширилди.

Туман алоқа бўлими ҳам янги бинога кўчирилди. Шаҳарчанинг аҳоли гавжум яшайдиган қисмида эса, янги ҳаммом биноси ишга туширилди.

Хуллас, шаҳарчадаги ҳаёт мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги олдидан ҳар қачонгидан ҳам қайноқ. Бунёдкорлик, ободончилик ишлари жадал суратларда давом этмоқда.

Худойберди ИСЛОМОВ.

Тўрақул ҲАМРОЕВ,
Ангор тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.
Сурхондарё вилояти

ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ-

фаровонлик сари катта қадамдир

Олий Мажлиснинг барча сессияларида депутатлар томонидан чуқур мулоҳазалар билан қабул қилинаётган қонунларимиз бевосита мамлакат равнақи ва халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаяпти. Бундан ташқари Юртбошимиз томонидан ҳар бир йил маълум бир соҳаларни чуқурроқ ўрганиш, ривожлантириш, пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилаётганлиги ҳам инсон манфаатлари билан бевосита боғлиқдир.

Обод маҳалла йили дегани, бу-маҳаллаларда истиқомат қилаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, кишилар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурматга асосланган хусусиятларни кенгроқ ёйиш, тўй маросимлари, маъракаларимизни ортиқча чиқимларсиз замонавий ҳамда мазмунли ўтказишга, ёшларда Ватанга, меҳнатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, жиноятчиликни олдини олиш каби қатор-қатор вазифаларни бажариш, деганидир. Туман ҳокимлиги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фуқароларнинг коммунал, савдо, маданий ҳамда тиббий хизматдан тўла-тўкис фойдаланишини амалиётга айлантириш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, кексалар, етимларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби қатор вазифаларни қамраб олган 176 та пунктдан иборат дастур қабул қилди.

Шунингдек, "Туманни жорий йилда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда автомобил йўлларини таъмирлаш дастури тўғрисида", "Ангорни гуллар туманига айлантирайлик" шиори асосида ўтказиладиган санъат ва меҳнат кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида" қарорлар қабул қилдик. Улар асосида барча аҳоли яшайдиган ҳудудлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

Шунга кўра туман йўл қурилиши идораси туман марказидаги пиёдалар йўлкаларини кенгайтириб йўл ёқаларида доимий ва мавсумий гуллар экиш учун жой тайёрлади. Коммунал хизмат кўрсатиш идораси чиқиндиларни ташиб кетилишини қатъий назорат қилмоқда. Ҳар бир маҳаллага хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун ер майдонлари ажратиш чоралари кўрилаётир. Қишлоқларимизда яшаётган ҳар бир оиланинг туриш-турмуши ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд.

Соғлом авлодни камол топтириш мамлакатимиз келажагини ишончли қўлларга топшириш, демакдир. Шуни назарда тутиб, тумандаги 41 та умумтаълим мактабларининг моддий-техника аҳволини мустаҳкамлаш, ҳар бир мактабда спорт майдончалари бўлишига эришишга замин ҳозирланяпти. Шунингдек, "Ҳар бир маҳалланинг ўз спорт майдончаси бўлсин!" деган шиорни ўртага ташлаганмиз ва унинг амалийлигини таъминлаш имкониятлари ишга солинмоқда. Маҳаллалар қошидаги доимий комиссияларнинг фаолияти, фаоллар билан маҳалла посбони, профилактика инспекторларининг ҳамкорлигини таъминлаш эвазига оилавий низолар, ўғирликлар, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир қилиш ҳолатлари сезиларли камайди. Бу борада Наврўз, Қорасув, Янгиобод, Тўлқин, Зартепа маҳаллалари фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзаро тажриба алмашиш ёки илғорлардан иш ўрганиш ҳамиша ўзини оқлаб келган. Шу мақсадда бир гуруҳ фаолларимизни Андижон вилоятига маҳаллалар ишини ташкил этиш, тажрибасини ўрганиш учун юбордик. Бу ҳозирданоқ ижобий самарасини кўрсатаяпти.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Обод маҳалла йили" Дастури тўғрисида"ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, маҳалланинг фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи сифатида роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш учун тумандаги "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказлари фаолиятини янада яхшилаш юзасидан дастурлар тузиб ва уни амалиётга татбиқ этиш билан бандмиз. Шунингдек, туманнинг энг чекка қишлоқларини табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси билан тўла таъминлаш масалалари иш режамизга киритилган. Яна бир муҳим муаммо устида ишлаяпмиз! У ҳам бўлса маҳаллаларда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, маиший, савдо ҳамда кундалик эҳтиёж учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цехлар барпо этиб, ишсизликка барҳам беришдир.

Японлар байрами Ўзбекистонда

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Япония давлатлари орасидаги ўзаро алоқалар, дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг биргина ифодаси сифатида Тошкентдаги "Ўзбекистон-Япония маркази" фаолиятини келтириш мумкин. Яқинда ушбу марказ томонидан болажонларга бағишланган тадбир уюштирилди. Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш куни 1 июнь саналади. Японияда эса ушбу байрам 7 июлда нишонланар экан. Шу байрам муносабати билан турли оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болалар Тошкентдаги "Республика болалар хиёбони"га тўпландилар. Болажонлар "Анъанавий япон ўйинлари кўрик-танлови"да иштирок этишди, Японияниг миллий ўйинчоқлари билан танишиб, уларни ўйнаш имкониятига эга бўлишди.

Ғолибларга Японияда ишлаб чиқарилган махсус совғалар тақдим этилди.

Ушбу тадбир ташкилотчиси жаноб Сузукидан танловни ўтказишдан қандай мақсад кўзланганини сўраганимизда, у шундай жавоб берди:

- Баъзан кўча-кўйда китоб-дафтарлар солинган папкаларни қўлтиқлаганча мактабга кетаётган ёки қайтаётган ўзбек болаларига дуч келаман. Ўқувчиларни кузатганимда япониялик тенгдошлари кўз олдимга келади. Уларни қиёслаб, ўхшаш томонлари жуда ҳам кўплигини сездим. Балки болаларнинг ҳаммаси беғубор бўлганлиги сабаб шундай туюлгандир. Японияда 7 июлда болаларни ҳимоя қилиш куни нишонланади. Бу байрамда болалар турли майдончаларга йиғилиб, Японияниг миллий ўйинчоқларини ўйнайдилар. Мақсадимиз ҳам ўзбек болаларини ана шу ўйинлардан воқиф этиб, Японияда тенгдошлари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришдир. Менимча, тадбирдан кўзлаган мақсадимизга эришдик. Буни мен ўйин вақтида болажонларнинг юз-кўзида порлаётган қизиқиш ва қувончларда кўрдим.

Тадбир сўнгида болалардан биридан "Ўйинлар ёқдими?", - деб сўраганимда у "Бу йил оромгоҳда бешинчи марта дам олаяпман. Бу сафарги таътил энг яхшиси бўлди. Ушбу тадбир эса энг эсда қоларлиси", - дея жавоб қилди. Хайрлашаётганимизда ҳам боланинг кўзларида жаноб Сузуки айтган нур чақнаб турарди.

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА

● Диққат: янгича тажриба

ЙЎРМАДЎЗнинг МУНАВВАР ЙЎЛИ

ЁКИ ОҚСОҚОЛЛАР ИШИ РЕЙТИНГ УСУЛИДА БАҲОЛАНМОҚДА

Уни мактаб ўқувчилари, боғча болалари "Бувижон", катталар эса "Ая", "Онажон" дейишади. Мунаввархон Ғаниева шундай дейилишга лойиқ инсон. Чунки у умрининг 35 йилини болалар тарбиясига бағишлади. Мактабда оддий ўқитувчи, директор ўринбосари, директор бўлиб ишлади. Кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнати туфайли у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий ва халқ маорифи аълочиси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллик юбилейи нишони билан тақдирланди.

Маориф соҳасида ишлаш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. Ўн йилдан ортиқ Йўрмадўз маҳалласи хотин-қизлар кенгашига жамоатчилик асосида раислик қилди. Бу даврда шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган "Энг намунали хотин-қизлар кенгаши" кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади.

2001 йилда М.Ғаниева Йўрмадўз маҳалла фуқаролар йиғини раислигига тавсия қилинди. Маҳалла аҳли унинг номзодини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашди.

Йўрмадўз - Марғилон шаҳрилагина эмас, Фарғона вилоятидаги энг катта ва намунали маҳалла фуқаролар йиғинларидан ҳисобланади. Ҳудудда кўплаб корхона, ташкилот ва муассасалар жойлашган бўлиб, ўн мингдан кўпроқ фуқаро истиқомат қилади. Аҳолининг кўпчилиги ҳунармандчилик билан шуғулланади. "Йўрмадўз" сўзининг "Йўрма чок" атамасидан олинишининг боиси ҳам шундан.

М.Ғаниева йиғин раислигига сайланган кунидан бошлаб, кўча оқсоқоллари, дастурхончилар ва бошқа фаолларнинг зиммаларига юклатилган вазифаларни қай даражада бажараётганликларини рейтинг усулида баҳолаб боришни йўлга қўйди. 18 нафар кўча оқсоқоли, 18 нафар дастурхончи, 9 нафар посбон ва бошқа фаоллар томонидан бажарилган ишларнинг ҳар кунгиси дафтарга белгилаб борилади. У 2 балдан 10 баллгача баҳоланиб, ҳар ой охирида якунланади. Ғолибларга "Маҳалланинг энг жонқуяр фаоли", "Маҳаллага энг кўп нафи теккан инсон" деган шарафли ном берилиб, меҳнати рағбатлантирилади ва эълонлар тахтасига ёзиб қўйилади.

Яна бир янгилик - маҳалла ҳудудидаги нафақа олувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда "Қўллаб-қувватлаш маркази" ташкил этилди. Бунда нафақа олувчи ногиронлар ўз хоҳишлари билан ариза ёзиб марказга аъзо бўлади. Ҳар ой олаётган нафақа пулидан аъзолик бадали тўлайди. Олинган аъзолик бадали квитанция орқали расмийлаштирилиб, алоҳида дафтарга қайд қилиб борилади. Маҳалла ҳудудидаги ногиронлар ижтимоий ҳимояга олиниб, тўпланган аъзолик бадаллари ҳисобидан навбат билан санаторий ва дам олиш масканларига юборилади. Керак бўлган пайтларда ногиронларни эшитиш аппарати, ҳасса, аравача билан таъминланишларига ёрдамлашилади. Бугунгача "Қўллаб-қувватлаш маркази"га аъзо бўлган ногиронлар сони 200 нафардан ошиб кетди.

Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Сабоатхон Ҳамдамова бошқараётган "Оила клуби" фаолияти ҳам мақтовга сазовор. Турмушга чиқаётган қизлар, уйланаётган йигитлар бир ой муддат давомида ушбу клуб тингловчилари бўлишади. Шу давр мобайнида улар билан "Келин ва куёв одоби", "Оила сабоқлари", "Оилада рўзғор тутиш одоби" каби мавзуларда илмий-амалий семинарлар, савол-жавоб кечалари, кўрик-танловлар ўтказилади. Бу тадбирларни ўтказишга шаҳардаги ҳуқуқшунослар, ФҲДЁ бўлими ходимлари, шифокорлар, фаол аёллар таклиф қилинади.

Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш учун маҳалла қошида "Оила, мактаб ва жамоатчилик" кенгаши ташкил қилинган. Унинг асосий фаолият йўналиши ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда камтаринлик, олижаноблик, кишиларга ғамхўр, меҳр-мурувватли бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини ривожлантиришдан иборат.

Маҳалла қошида "Усто-шогирд" ўқуви ташкил қилинган. Унда 33 нафар ёш касб сирларини ўрганяпти. Ўқувнинг мақсади ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, уларнинг касб-ҳунар эгаллашларига етарли шароит яратиш. Машғулотларни маҳаллалик ҳунармандлар - кийим тикиш устаси Иброҳимжон Мўнисов, ёғоч ўймакори устаси Дилшодбек Тогиров, попончи уста Хабибахон Чоқиева, косиб Ҳудоберди Бўтабоев, кўрпа-якандоз тикувчи Ризолатхон Маматовалар олиб боришяпти.

Раис хонасини кўргазмалар зали, кичик музейга қиёслаш мумкин. Кўргазма ва диаграммаларда маънавий-маърифий, ахлоқий-ҳуқуқий, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишлар ўз аксини топган. Бу ердаги ҳужжатлар орқали маҳалладаги жиноятчилик, оилавий ажралишлар йиллан-йилга камайиб бораётганига, ишчи ўринлари ортаётганига, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, аҳолини газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланаётганига гувоҳ бўласиз.

Бундай ибратли ишларни амалга оширишда тиниб-тинчимас аёл Мунаввархон Ғаниева билан бирга у билан ёнма-ён туриб ишлаётган фаоллар, маслаҳатчилар, кўча оқсоқоллари, дастурхончилар беминнат ёрдамлари катталдир. Ҳар душанба куни улар билан ҳафта давомида қилинган ишлар таҳлил қилинади, янги вазифалар белгиланади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Маҳалла - ҳаётимиз кўзгуси. Икир-чикирларидан тортиб бола тарбияси, юрт тинчлиги, осойишталик сингари энг муҳим масалалар фуқаролар йиғинида муҳокама этилиб ечимини топади.

Чинтемир Ўролов мана беш йилдирки, 7000 минг аҳоли истиқомат қилаётган Қипчоқсув фуқаролар йиғинига бош. У қишлоқ оқсоқоллари билан ҳамкорликда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бераяпти.

Суратда: Чинтемир Ўролов маҳалла фаоли Бекбой Ғозибоев билан суҳбатлашмоқда.

А. АЛИҚУЛОВ олган сурат.

●Хоразм вилояти

Хазорасп туманидаги "Хазорасп-Кемпинг" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси кўплаб хайрли тадбирлар уюштиради.

Суратда:(ўнгдан) фирма раҳбари Абдулла Рўзимов, ўғли Эркин Рўзимов ва туман Оқсоқоллар Кенгаши раиси Шоназар Жабборов.

● Меросимиз ҳурмат талаб этади

ИСТИСНО ҲОЛАТ ЙЎҚМИ?

Самарқанд маҳаллалари тарихий номларининг тақдири хусусида

Самарқанд шаҳрининг Сиёб туманида асрлар давомида маҳаллалар фаолият кўрсатиб келган, уларнинг сони XX аср бошида 103 тани ташкил этиб, Сузангарон, Хожа Аҳрор, Қаландархона, Хайробод даҳаларига бўлинган ва географик жиҳатдан, урф-одатлари билан бир-биридан фарқ қилиб турганлар.

Орадан йиллар ўтиб, баъзи маҳаллалар йўқолиб кетган, янги маҳаллалар пайдо бўлиб, XXI аср бошида эса булар сони 120 тани ташкил этган.

Шаҳарнинг тарихий маҳаллалари номи - бу касб-ҳунар, меъморий ёдгорликлар, боғлар, иншоотлар, сув ҳавзалари, олимлар, дин пешволари номлари билан боғлиқ бўлган. Умуман олганда, маҳаллаларнинг географик жойлашуви, даҳаларга бўлиниши, уларнинг номи ўзига хос тадқиқотларни талаб қиладиган мавзудир.

Кўпгина маҳаллаларда оилалар сони белгиланган - 500 дан кам бўлмаслиги ҳақидаги тартибга кўра Сиёб тумани ҳокими қарори билан баъзи маҳаллалар бирлаштирилди.

Шу ўринда тарихга бир назар солсак: XVII асрда Самарқанд шаҳрида бир қатор маҳаллалар бўлган, жумладан, Сангтарошон, Мирсаид ошиқ, Дегрезон, Бўстонихон, Собунпазон, Дари Арк, Работ, Кумехгарон ва бошқа тарихий номдаги маҳаллалар. Энди ўша маҳаллар қани? Бу маҳаллалар шаҳарнинг қаерида жойлашгани, сўнг, қачон ва қайси сабаблар билан йўқолиб кетганлиги тўғрисида маълумот йўқ.

Сузангарон-2 (ҳозирги 55-) маҳалласи оқсоқоли Тўлқин ака Аҳмеджонов ҳикоя қиладилар: - Сиёб туманидаги ҳар бир маҳалла ўз тарихига эга.

Нега ўша тарихий маҳаллаларнинг номини, ўзини сақлаш учун мустасно ҳолатда иш қўриш мумкин эмас?..

- Сиёб тумани маҳаллаларини бирлаштириш масаласида, - дейди Халфа Иброҳим номли маҳалла оқсоқоли, Самарқанд Давлат университетининг тарих факультети катта ўқитувчиси Саъдулла Шарипов, - менинг фикримча, бир нечта ҳолатда шошқалоқликка йўл қўйилган:

Аввало, бу ҳолатлар мақсади аҳолига тушунтирилмасдан жорий этилган;

Иккинчидан, маҳаллаларни бирлаштириш бирлаштирилаётган маҳалла уларнинг тарихий алоқаларини эътиборга олмасдан, урф-одатлари ҳисобга олинмасдан татбиқ этилган;

Масалан, Эски Қаландархона маҳалласини Қози Абдурасул маҳалласи билан бирлаштиришган. Бу маҳаллалар тарихан бошқа-бошқа даҳаларга кирадиган маҳаллалардир. Эски Қаландархона маҳалласи Боғи Баланд ё Пули Мирзо маҳаллалари билан бирлаштирилса, тўғри иш бўлар эди.

Биз ҳар томонлама тарихий меросимизни сақлашимиз керак, маҳаллаларни бирлаштириш, бу хоҳласак-хоҳламасак тарихий ном билан боғлиқ меросни йўқотишга олиб келади. Бу - шаҳримизнинг топономикаси, тарихи, биргина шаҳримиз тарихи эмас, балки, халқимиз тарихидир. Маҳалла, бу - мактаб ёки болалар боғчаси эмас-ку, рақам қўйиб чиқилса! Бунинг учун олимлар ҳамда жамоатчилик фикрини йиғиб, бир хулосага келиш керак деб ўйлаймиз.

Пардақул ТЎРАҚУЛОВ.

Олам турфа

ТЕЗ ҲАЗМ БЎЛАВЕРМАЙДИ

Ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари киши ошқозонида қанча вақтда ҳазм бўлади? Ана шу жараёнлар билан қизиққан олимлар ажабтовур тажрибалар ўтказишди.

Илгарилари "енгил" деб ҳисобланган кўп овқатлар тез ҳазм бўлавермас экан. Масалан, қовурилган бузоқ гўшти 4 соату 49 дақиқада, тузланган карам 4 соату 30 дақиқада, гилос, шафтоли ва олхўри эса 3-4 соатда ҳазм бўларкан. Мол гўшти ва пишлоқнинг ҳазм бўлиши учун 3-4 соат, тухум, олма, нок ва хонбалиқнинг сингиши учун бир соатча вақт керак экан. Балиқларнинг бошқа хиллари уч соатдан кам бўлмаган фурсат ичида ҳазм бўларкан. Соғлом кишилар, айниқса, беморларнинг овқатланишини тўғри ва мақсадга мувофиқ равишда ташкил этишда бу текширишларнинг аҳамияти каттадир.

УЛКАН СУВ ИНШООТИ

Машҳур Сувайш канали 1869 йил 17 ноябрда қуриб битказилиб, расмий суратда очилган эди. Ўшандан бери унда кемалар мунтазам қатнаб турибди.

Каналнинг ишга туширилиши ўша даврда катта воқеа бўлганидан машҳур итальян композитори Жузеппе Верди каналга бағишлаб "Аида" операсини ёзди. Сувайш каналининг халқаро кемачилик учун, Африка ва Осиё мамлакатларидаги ҳарбий ва сиёсий вазият учун аҳамияти жуда каттадир. Каналнинг ҳақиқий узунлиги 161 километр. Бундан ташқари Ўрта денгиз томонда сув ости 9 километр масофада чуқурлаштирилган, жанубда ҳам - Сувайш қўлтиғида 3 километр масофа чуқурлаштирилган. Шуларни қўшиб ҳисоблаганда каналнинг умумий узунлиги 173 километрга тенг.

ТАНСИҚ ТАОМ

Сомали мамлакати кўчманчи-чорвадорлари туя ва йилқини жуда қадрлашади. Ерли халқнинг гўштдан тайёрлайдиган ва "Одкаа" деб аталадиган тансиқ таомлари ҳам бор.

Уни мана шундай тайёрлашда ингичка қилиб узун-узун тилишланган қўй гўшти офтобда қуритиб олинади. Сўнг майда-майда тўғраб, доғланган сариёғда қовурилади. Ёввойи ҳолда ўсадиган "рирсе" деган ҳушбўй тропик ўсимлигининг барги ва гулларидан ҳам қозонга солинади. Тайёр бўлган қовурдоқ махсус илишларга солиниб кўтариб олинади ва узоқ вақтгача бузилмай турaверади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Маҳалламиз тарихи

БЎДИҚнинг МАЪНОСИ...

Нурота шаҳрига борганимизда чиройли ва шинам қилиб қурилган Бўдиқ номли маҳалла фуқаролар йиғини биносининг очилиш маросимига қатнашишга таклиф этишди.

Бу бинони тиклашда, замонавий жиҳозлар билан жиҳозлашда ушбу маҳалла оқсоқоли Ўктам Раҳимов ва туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Шерали Пўлатовнинг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилишда иштирок этган маҳалла қариялари сўзга чиқишиб, маҳаллага Бўдиқ номи берилиши сабаблари ва ушбу ном билан боғлиқ тарихни сўзлаб бердилар...

Айтишларича, 20-йилларда Бўдиқ исмли бой-бадавлат киши Нуротада истиқомат қилган экан. У киши имкон қадар йўл, мачит, кўприклар қуриш каби савоб ишларни амалга оширган. Айниқса у қурган улкан масжидлардан бири сақланиб қолган. Кўп йиллар одамлар бу масжидда ибодат амалларини бажаришган. Лекин, масжид хурофот ўчоғи, деб қораланиб, қатағон йилларида шўролар ҳукумати томонидан бузиб ташланган. Халқ эса уни ҳашар йўли билан қайтадан тиклаган. Шўролар ҳукумати эса, яна бузиб ташлаган ва қайта тиклашларига изн бермаган...

Кейинчалик, бу ер гузар бўлиб қолган ва халқ ўз йиғинлари, тадбирларини шу ерда ўтказа бошлаган. Бугунги кунда маҳалла ўша кишининг хизматлари эвазига Бўдиқ маҳалла фуқаролар йиғини деб номланди. Айни дамда замонавий тартибда тикланиб, яхши жиҳозланган ушбу жой аҳолининг энг севимли масканига айланган. Маҳалла биноси бўлиш билан бирга бу ерда ўқувчи қизларни касбга йўналтириш бўйича бичиш-тикиш, зардўзлик тўгаракларини ҳам ишлаб турибди.

Обод маҳалла йилида бу жой гўзал бир гўшага айланди. Келгусида,бу ерда замонавий маҳалла гузари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

● Удумларимиз - ҳаёт рамзи

Совчи

*** Тоғорадаги нонда гап кўп...**
*** «...Гулимизга кечикибсиз, аттанг..»**
*** Остона билан боғлиқ удумлар.**
*** Совчилик жиноятми?**

Совчилик ҳаётий, зарурат удумидир. Бу удум республикамиз вилоятларида бир-биридан бир оз фарқ қилсада, аммо мақсади битта - келин-куёвни бир-бирига унаштириш, муштарак қалбларни туташтиришдан иборатдир.

Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида совчиликка эркаклар боришса, бошқа вилоятларда бу ишни аёллар қилишади.

Қизникига совчи бўлиб борган киши гапга чечан, фаҳм-фаросатли, зийрак, ишбилармон бўлмоғи даркор. Чунки куёвнинг «тақдири» айнан унга боғлиқ бўлади.

Тошкент вилояти, Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида аёллар совчиликка боришдан олдин «разведка» қилишади.Яъни улар 3-4 киши бирлашиб келин бўлмишникига тоғора кўтариб боришади ва қизнинг қариндош уруғлари билан гурунг қилиб қайтишади.Агар келин бўлмишнинг уйдагилари тоғорадаги нонларни олиб қолсалар, демак, бу розилик аломатини билдиради. Сўнг бирор кун ўзлари келишилган ҳолда совчиликка келишади. Мабодо тоғоралардаги нонни қайтариб юборсалар совчиликка келишнинг ҳожати йўқлигини билдиради. Буни ошкора айтишмайди.

Бошқа вилоятларда эса совчилар дабдурустдан келишади ёки олдиндан хабардор қилинади. Совчилар ва қизнинг қариндошлари ўртасида қуйидагича гап бўлиши мумкин:

- Сизнинг гўзал боғингизда бир гул ғунча ўсаркан. Биз шу гул ғунчага харидор бўлиб келдик.

- Боғимиздаги сизлар ният қилиб келган ғунчамизга ўзга боғдан бир боғбон харидор бўлиб кетган эди-я, аттанг бироз кечикибсизларда!

Яна бир удумимиз бор, афсуски, у бир оз унутилиб бораётир. Бу эшик супуриш удумидир.

Эшик супуриш - ўзбекларнинг никоҳ тўйлари маросимлари доирасига кирадиган совчилик удумларидан бири. Совчиликка боришдан аввал мўлжалланган хонадоннинг остонаси ёки эшигининг олди супурилади.Иложи борича пинҳон тутиш мақсадида саҳарда, эрта тонгда, қўни қўшнилар, қиз оила аъзолари ўйғонмаган пайтда эшик супурилади. Бу одатда уч марта такрорланади.

Бу удум ўзбек халқ эртакларида ҳам ўз ўрнини топган. Эртакларда ҳам ошиқ йигитнинг отаси ёки онаси фарзандининг қистови билан подшоҳнинг остонасини уч марта супуради. Баъзи ҳолларда подшоҳ «супурувчилар» ни ушлаб олиб ўлдириб юборади.

Бу удумнинг тўй маросимидаги ўрни ҳақида Махмуд Саттор қуйидагиларни ёзади: «Эрталаб туриб бунга кўзи тушган оталар нима воқеа эканлигини англашган, ўзларини билмаганликка солиб, зимдан тайёргарлик кўра бошлаган. Сўраб келиши эҳтимоли бўлган хонадонларнинг аҳвол-руҳияси билан ҳам киши билмас танишиб олганлар».

Андижон вилояти туманларида совчиларнинг қиз уйига дастлабки боришлари «эшик супурди» дейилади. «Қизи бор уйнинг нози бор» деганларидек, келин томон дарров розилик беравермайди. Икки орада совчилар қатнайвериб, оёқ кийимлари йиртилади. Шу тарика то қизнинг жавобини олгунча «эшик супурди» «ковуш йиртди» га айланади.

Хоразм вилояти туманларида илгарилари ёш қизалоқлар билан ўғил болаларни ёшлигидан унаштиришнинг ўзига хос бир усули бўлган. Ўғил фарзанди бўлган ота-она ўзи қудалашмоқни ният қилган хонадонлардан бирида қиз бола дунёга келса, шундай ирим қилишган: Кампирлардан бири ўғил боланинг дўпписи билан қиз фарзанд туғилган оиланинг остонасини супурган. Шу билан бу бола билан қиз «дўппи супурди» ҳисобланган. Келгусида улар улғайиб келин-куёв бўлади, деб умид қилишган.

Остонга сиғиниш ҳақида фольклоршунос олим М. Жўраев шундай деб ёзади:«Маълумки, қадимги турклар остонани муқаддас деб билганлар. Хонадондан бойлик аримасин, ризқ-рўз мўл бўлиши учун остона тагига қимматбаҳо металларни кўмиб қўйиш удуми ҳам бўлган.Ҳатто янги хонадонга келин бўлиб келаётган қиз ҳам уйга киришдан аввал ўнг табақаси очиб қўйилган эшик олдида уч марта эгилиб, таъзим қилиб, остонани тавоф этади. Бу «остона салом» деб ҳам аталади. Халқ қўшиқларида «остонаси тиллодан уй сеники ёр-ёр» дейилганда ҳам келинчакка насиб этган хонадон баракали, ўзига тўқ, қутли оила эканлигига ишора қилинади».

Остона, эшик олди тупроғи сеҳрли хусусиятга эга рамзий детал сифатида маросим фольклорида эзгулик ғоялари билан туташган. Чунки, остона уй билан ташқи дунёни, эзгулик билан ёвузликни ажратиб турадиган чегара, яхши ва ёмон руҳлар учрашадиган, тўқнашадиган сеҳрли нуқтадир. Остонага муносабат ўша оилага муносабатни англатади. Шунинг учун ҳам бирор оиланинг қизига харидор бўлган совчилар аввало бу хонадон остонасига ўз муносабатларини билдиришган. Профессор БаҳодирСаримсоқов супуриш ёмон руҳларни ҳайдашнинг бир воситаси, деб билади.

- «Эшик супуриш» да ҳам хонадон остонасини ёвуз руҳлардан тозалаб, оила билан яқинлашиш, яъни қудалаш истаги ифода этилади», - дейди фольклоршунос олим Жуманиёз Юсупов.

«Элчига ўлим йўқ», деган нақл бор. Чунки элчи икки мамлакатни, уларнинг халқларини бир-бирига боғлашдек савоб ишни қилади. Оила шу халқнинг бир аъзоси сифатида қараладиган бўлса демак, совчилар икки муштарак қалбларни, оилаларни бир-бирига боғлайди. Совчиликнинг уволи ҳам, савоби ҳам совчига бўлади. Шунинг учун ҳам бундай жавобгарликни ҳар ким ҳам ўз бўйнига олавермайди. У Аллоҳ олдида ҳам, бандаси олдида масъулдир.

Лекин кези келганда бир аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб ўтолмаймиз. Баъзи эркак ва аёлларимиз бу муқаддас удумимизни ўзларича «Замонавийлаштириб» юбормоқдалар. Яъни кўнгил қўйган ёшларнинг ота-оналари ўзларича ими-жимида келишиб қўя қоладилар. Уларнинг фикрича совчилик эскилик сарқити эмиш. Ишқилиб, бу «Замонавийлаштириш» кейинги авлодга қимматга тушмасин-да...

Иброҳим ТУРСУНОВ.

Пойтахтимизнинг Сирғали тумани "Маданият" маҳалласи аёллари ҳам ўз маҳаллари ободлиги учун тиниб-тинчимайдиганлардан. 30 йилдан буён ўғил-қизларга ўзбек тили ва адабиётдан дарс бериб келаётган малика опа Мамадалиевамаҳалланинг фаолларидан. У маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси.

Суратда: (ўнгдан иккинчи) Малика опа Мамадалиева маҳалладошлари билан.

● Муштарий гинаси

Уч ўғил ҳар доим туғилавермайди...

Ҳурматли таҳририят!

Биз оиламиз билан Косон туманининг чекка бир қишлоғида истиқомат қиламиз.

Келиним Моҳира Юсупова бир йўла уч ўғилни дунёга келтириб, бизни баҳоятда қувонтирди.Набираларимнинг соғлиғи яхши. Бу мактубни йўллашимга мажбур қилган нарса шуки, бизнинг Косон туманимиз ҳокимлиги, қишлоқ фуқаролар йиғини, ёхуд «Турон» кооператив ширкат хўжалиги, ҳеч бўлмаганда туман хотин қизлар қўмитаси келиб бизни муборакбод ҳам этиб, хурсандчилигимизга шерик бўла олишмади. Меҳр-оқибат, садоқат, бир-бирига эътибор инсонийлик белгиси эмасми? Ахир, бир хонадонда уч ўғилнинг дунёга келиши ҳар доим ҳам юз беравердиган ҳолат эмас. Қолаверса, бундай ҳолда бу оилага, айниқса, онага ҳам осон эмас. У ёрдамга муҳтож бўладику?!

Озгина эътибор ва меҳр кўрсатишларини кутиб яшаяпмиз. Шунда кўнгилларимиз тоғдек кўтарилган бўлармиди...

Жаббор АБДИЕВ,
бошланғич синф ўқитувчиси.

Таҳририятдан: йўқ, хурматли Жаббор ака! Сиз, Сизнинг келинингиз кутган меҳр-оқибат кишиларимизда бор. Афсуски, бизда эсга солмагунча эсга олмаслик каби хусусият мавжуд. Ўйлаймизки,бугун бўлмаса эртага улар хонодонингизга ташриф буюриб, уч нафар Алпомишга бахт иқбол тилашади.

● Хотира турнири

ҚЎРҒОНЧАНИНГ КЎРҒОНИ ЭДИ

Севимли шоиримиз Омон Матчон: - Хоразмда тоғ йўқ, лекин тоғдек буюк инсонлари бор, деб айтган. Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг, юртнинг, шаҳар ва қишлоқнинг тоғдек инсонлари бўлади. Чори ота Азимов Каттақўрғон тумани Сув омбори қўрғончасининг шундай инсонларидан бири эди.

Чори ота 1949 йилдан то умрининг охиригача маҳаллада оқсоқол сифатида фаолият кўрсатди. Ҳаминша тўй-маъракаларга бош-қош бўлди. Унинг даврида кўплаб савобли ишларга қўл урилди, ҳашарлар уюштирилди. У ўзининг хушмуомалалиги билан маҳалладошлари ҳурматига сазовор бўлди. Ариқ қазиб маҳаллага сув келтирган ҳам Чори отадир. Халқимизда ариқ ёки кўприк ким томондан бунёд этилган бўлса ўша кишининг номи билан аталади. Шу боис, ўша ариқ "Чори ота ариғи" деб келинади.

-Умр йўлдоши - ҳозирги кунда фарзандлар ва набира-чеваралар ардоғида қарилик таштини сураётган Малика момо билан биргаликда фарзандларини ўқитди, каму кўстсиз улғайтирди ва отага фарзандлар камолини кўриш насиб этд: бирин-кетин олий ўқув даргоҳларини тугатиб келаётган ўғиллар ва қизлар ота изидан бориб, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишди. Қизлари Лола ва Дилбарлар халқ таълими соҳасида ишлаб, ўз касбларининг устаси бўлиб етишди, ўғли Тоғаймурод Чориев - Омонбой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Каттақўрғон тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, Сув омбори қўрғончаси, Чори отанинг ўғил-қизлари ҳамкорлигида Чори ота хотирасига бағишлаб 42-ўрта мактабда миллий кураш бўйича хотира турнири ўтказилди. Қўшни туманлардан полвонлар ташриф буюрди. Каттақўрғон тумани ҳокими ўринбосари Камолиддин Мизомов, отанинг ўғли, Нуробод тумани ҳокими Ислом Азимов, маҳалла оқсоқоллари отанинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапирдилар.

Кескин курашлар остида ўтган мусобақада нуроботлик полвонларнинг қўли устун келди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва фахрий Ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Маҳалладошлар отанинг номини абадийлаштириш мақсадидалар. Бу борада уларга туман ва Сув омбори қўрғончаси фуқаролар йиғини раҳбарларининг кўмаги, маҳалла оқсоқолларининг саъй-ҳаракатлари керак.

Худойберди ИСЛОМОВ.

● Жиноятга жазо муқаррар

ЖАҲЛ КЕЛТИРГАН КУЛФАТ...

Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлгай.
Н.Навоий

Баҳор охирлаб, қуёз она заминни қиздира бошлади. Уч-тўрт кун ҳаракат қилиб экинларни экиб олиш керак.

Тоҳир шундай ўйлар билан эрталабдан ота ҳовлиси томорқасига кирди. Бир ишни бошлаб олса етарли. Кейин у ёғи осон кечади

Тоҳир қишки ҳордиқдан бардам уйғонган кўпчиб турган ерга кетмон ураркан, ўз хаёллари гирдобига ғарқ бўлди. Ёш ҳам кетаяпти. 44-баҳор. Аммо, ортимда қоладиган зурриёдим йўқ. Қўлимдан ишимни оладиган ўғлим, толиқсам кўнгил кўтарар қизим бўлмаса..." Бир зайлда она ер кўксига тушаётган кетмон зарбини кузатган киши Тоҳир ишга берилиб кетган деб ўйлаши мумкин. Бироқ, уни кўнгил армони, дил дардлари майда-майдалаб эзар, асабларини эговларди. Шу тобда укасининг хотини Каромат фикрларини бўлиб юборди.

- Тоҳир ака, ағдараётган ерингизнан ўсма учун жой қолдиринг?

- Қанақа ер?! - эътироз билан сўради Тоҳир.

- Ўсма экаман, деяпману!, - шанғиллаброқ жавоб қайтарди Каромат.

- Ҳа, бўпти, - ғўнғиллади қайнака.

Аммо ўз хаёлига ғарқ бўлиб келин сўраган жойни қолдириш хаёлидан фаромуш бўлди. Ёки билиб кўриб айтилган жойга бошқа экин экиб юборди. Ишқилиб, ахири даҳшатли фожиа билан якун топган жанжал ана шу оддийгина "ўсма ери" ғавғоси билан бошланди.

Келин ҳам қайнака ҳам бир-бирларидан бўш келмасди.

- Агар сен яхши одам бўлганингда эди худо сенга фарзанд берарди-да, - жаҳл жиловини бўшатган Каромат тилига эрк бериб юборди. Кейинги сўзлар Тоҳирнинг юрагини зирқиратиб юборди. Қадрини топтагандек бўлди. Нафсониятига тегди. "Тўғри, мен ёмонман, мен ёмонман. Аллоҳ мени энг азиз неъмат - фарзанд кўриш бахтидан бенасиб этди..." кўнгил кечинмалари уни баттар жаҳолатга етаклар, бедов ғазаб оти ўз изнига бўйсундирар эди.

Тоҳир Аслонов келини - Кароматга қўл кўтарди.

Сўнг Каромат Аҳророва овсини Муқаддас Аслоновникига, яъни Орип Аслоновларнинг уйига дарду дилини тўкиб, кўнглини бўшатиш учун борди.

Қўшнининг уйига сумалак пиширишга борган Муқаддас келгунча у қайнакасига дийдиё қилиб улгурди.

Шундай ҳикмат бор. "Жаҳолат уйи ичра банди бўлган ночор аёл тадбиркор бўлса, кам сўзлаб, кўп хайрли ишларнинг бошини тутмоғи савобли кўринур. Жанжалга ўрин бермаслик аёл зиммасида".

Аммо бу ибратли ўгитдан Каромат бехабар. Ёхуд у қайнакаси Тоҳирнинг ҳақоратомуз сўзлари, унга қўл кўтаргани эри Қаҳрамонга бу қадар таъсир қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

- Нега хотинимни урдинг, - акага жаҳл билан ўшқирди Қаҳрамон.

- Аввал ўзидан ўтди. У нималар деганини биласанми?

- Бу ерлардан йўқолиб кетувдинг, кун кўрмай яна қайтиб келдинг.

Таъна, маломат тошлари юракка бориб ботади. Ўғилларининг жиққа мушт бўлиб ёқалашаётганини кўриб турган Яхши бобо Аслонов оҳ тортди. Оталикнинг кўнгли бир қораликни сезиб, уларни муросага чақириб кўрди. Йўқ, бўлмади. Ғишт аллақачон қолипдан кўчган, бир ота, бир онадан туғилган ака-укалар бегонага, йўқ, йўқ душманга айланиб қолишганди, гўё. Тоҳир укаларининг камситишларига чидаб туролмади. Қаердандир қўлига олган пичоқ билан Орипнинг бир неча жойига жароҳат етказган ака иккинчи укаси Қаҳрамоннинг изидан қувиб кўчага чиқди. Ақли қосир, қалб кўзи сўқирлашган Тоҳир ҳеч нарсани идрок этмасди ва уни ҳам ...

Жаҳолат - бу зулмат, унда ёвузлик увлайди, дейишади. Худди шундай бўлди. Когон туман "Зарафшон" ширкат хўжалиги Катта Оргун қишлоғига бир зумда совуқ хабар тарқалди. "Қотил ака икки уканинг умрига зомин бўлибди. Тавба" дея ёқа ушлашади, қишлоқдошлар.

Суд зали. Ҳамманинг нигоҳи ерга қадалган. Ким жабрдийда? Ёстиқдоши армон бўлиб қолган Муқаддас ва Кароматми?! Оталарини амакиси ўлдирган норасидаларми?! Ёки "сўнгги манзилимга кузатар" деган умидда ўғил ўстирган ота Яхши бобо Аслонов жабрдийдами?! Номақбул ака-укаларининг номаъқул ишларидан кўнгли жигар доғида ғамга тўлган Муаззам, Нилуфар Аслоновлар жабрдийда эмасми?!

Ким айбдор?.. Яна саволга жавоб излаймиз. Ака-укалар меҳр-оқибатли бўлишганида, жаҳлни жиловлашганида келинлар эрларини муросага чақириб, кечиримли бўлишганида балки, бу даҳшатли фожиа рўй бермасмиди?..

Манзура ҲАЙИТОВА,
вилоят прокуратураси судларга прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори.
Моҳира ШАКАРОВА,
"Mahalla" мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Хис-туйғуларингизга кўп ҳам эрк бераверманг. Хизмат соҳасида сизни хурсандчиликлар кутмоқда

СИГИР(22.0420.05)
Вазиятдан унумли фойдаланишга шошилинг. Тадбиркорлик соҳасида юлдузингиз жилмайиб боқаётир.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)
Турмуш қурмаган, аммо зўр бериб унга интилаётганларга жуфтлик танлаш учун энг қулай пайт келди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ҳафта кунлари "кимнинг ким эканлиги"-ни аниқлашга ёрдам беради. Сизга кўмаклашаман ёки ҳамкорлик қиламан деганлар кўпаяди.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Сиз куч-ғайрат тўплашингиз зарур. Шунингдек, ҳар бир ишни қиламан деб ўзингизни уринтираверманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Барча мураккабликлар ва кўзда тутилмаган ҳолатларга файласуфларча ва юмор ҳисси билан ёндашсангиз, уларни енгишингиз осон бўлади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ижодий ишларни амалга ошириш учун жуда қулай пайт келди. Майдакашликдан қочинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳатто энг мураккаб масалалар ҳам сизга катта ташвиш келтирмайди. Каттароқ фойдани қўлга киритишингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Агарда хатти-ҳаракатларингиз пухта ўйлаб амалга оширилса, юлдузлар сизга омад ваъда этаётир. Хис ва хоҳишларингизга бўйсунган ҳолда ҳеч бир ишга қўл урманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Борди-ю сизга ёқмаган масалаларни ҳал этишга тўғри келиб қолса, уларни бажаришни бемалол қулай кунларга қолдиришингиз мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳафтадаги муваффақият биринчи ўринда сизнинг интилувчанлик ва кайфиятингизга боғлиқ.

БАЛИК (19.02-20.03)
Бирон жойга саёҳат қилишнинг имкони туғилиб қолса, уни қўлдан бой берманг. Шунингдек, бу кунларда сизни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишга муяссар бўласиз.

Эълонлар

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Ramtal» МЧЖ, (ОКПО бўйича коди 17019601)
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзил буйича қабул қилинади
Буюк ипак йўли кўчаси,38. тел.: 677734.

2 хонали эски услубдаги ништли уй 1 хонали ништли уйга алмаштирилади ёки сотилади.
Телефон: 67-29-36

Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги 129-мактаб томонидан 1983 йил 24 июнда Алимджанова Дильфуза Шакировнага берилган 258601 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Авиация билим юрти томонидан 1991 йилда Рўзиев Маҳмуд Аҳмедович номига берилган Е 038993 рақамли (қайд рақами 206) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 33-ўрта мактаб томонидан 2003 йил Рахимжонов Расулжон Тохирович номига берилган O'RA 1434977 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Одил - Хамида хусусий фирмасига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви жамоаси жамоанинг иш юритувчиси Маҳмуда Юнусҳожиевага отаси **Абдумажид ЮНУСҲОЖИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобок.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

5198 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-564 Топширилди—21.00